

30-Mart, 2026-yil

**БИТТА ТАШКИЛОТДА ЁКИ ТАРМОҚДА КЎП ЙИЛЛИК ИШ СТАЖИ
УЧУН БЕРИЛАДИГАН ҲАР ЙИЛГИ ҚЎШИМЧА МЕХНАТ ТАЪТИЛИ
БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР.**

Kattaqo‘rg‘on shahar adliya bo‘limi yuridik xizmat ko‘rsatish boshyuriskonsult
E.Sagdullaev

Мехнат кодекси (кейинги ўринларда - МК) 220-моддаси 1-қисмига кўра, ходимга у битта ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар 5 йил учун давомийлиги 2 календарь кун бўлган, бироқ жами 8 календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили берилади. Мақоламизда ушбу қўшимча меҳнат таътили билан боғлиқ масалаларга тўхталамиз.

220-моддадаги кафолат жамоа шартномасида ҳам назарда тутилган бўлиши шартми?

Йўқ, шарт эмас. Яъни МК 220-моддадаги кафолат жамоа шартномасида назарда тутилмаган бўлса ҳам, иш берувчи ходимга битта ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар 5 йил учун давомийлиги 2 календарь кун бўлган, бироқ жами 8 календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили беришга мажбур.

Ушбу қўшимча меҳнат таътилига ҳам ҳақ тўланадими?

Ҳа, албатта. МК 233-моддасига кўра, ҳар йилги меҳнат таътилида бўлган вақти учун ходимга ушбу Кодекснинг 257-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқариладиган ўртача иш ҳақининг сақланиши кафолатланади.

Ходим ташкилотда 5 йил ишлаб, бўшаб кетган эди. Яна эски иш жойига қайтиб келди. Унга 2 кун қўшимча таътил бериш мумкинми?

Ҳа, мумкин. Чунки эътибор беринг, МК 220-моддаси битта ташкилот ёки тармоқда ишлаган ҳар 5 йил учун демोकда. Бу ерда узлуксиз иш стажи ҳақида гап кетмаган. Масалан, ташкилотда 5 йил ишлаб, бўшаб кетган ва яна эски иш жойига қайтиб келган ходимга 2 кун қўшимча таътил бериш мумкин.

Ходимнинг ташкилотдаги стажи 6 йил. Лекин 3 йил қоровул бўлиб ишлаган, 3 йилдан бери эса чилангар бўлиб ишлаб келмоқда. Унга 2 кун қўшимча таътил бериш мумкинми?

Ҳа, мумкин. Чунки эътибор беринг, МК 220-моддада ходимнинг мутахассислиги, муайян касб ёки лавозими назарда тутилмаган. Ташкилот ёки тармоқда ишлаган даври назарда тутилган.

Тармоқ деганда айнан нима назарда тутилмоқда?

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “тармоқ” сўзига қуйидагича таъриф берилган: фан-техника, қишлоқ хўжалиги ва шу каби бошқа соҳа, соҳалар. Бу рўйхатни узоқ давом эттиришимиз мумкин: соғлиқни сақлаш, таълим, иқтисодиёт, қурилиш, банк ва ҳоказо.

“ZAMONAVIY DUNYODA SUN’IY IDROKNING RIVOJLANISHI: YANGI DAVR MUAMMOLARI VA YANGI YECHIMLAR JURNALI”

30-Mart, 2026-yil

Масалан, “А” банкда 10 йил ишлаб, бошқа бир “Б” банкка янги ишга ўтган ходимга ҳам 2 кун қўшимча таътил берилади. Чунки у банк соҳасида, гарчи бошқа банкда бўлсада 10 йиллик стажга эга.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, давлат бошқаруви органларининг идоралараро ўзаро ҳамкорлигига жаҳонда умумий эътироф этилган иқтисодий фаолият турларини таснифлашни жорий этиш, кичик тадбиркорлик субъектларини таснифлашда ундан фойдаланиш, шунингдек статистика, солиқ ва молиявий ҳисобот тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2016 йил 24 августда Вазирлар Маҳкамасининг 275-сон “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Унга кўра, Халқ хўжалиги тармоқлари умумтаснифлагичи (ХХТУТ)нинг ўрнини Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ) эгаллаган.

Ходим ташкилотда 2,5 йилдан бери ишлайди, ушбу ходимга мутаносиб равишда 1 кун қўшимча меҳнат таътили берилиши мумкинми?

МК 220-моддаси 1-қисмига кўра, ходимга у битта ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар 5 йил учун қўшимча меҳнат таътили берилиши назарда тутилган. Демак, ушбу кафолат тақдим қилиниши учун ходим битта ташкилотда ёки тармоқда камида 5 йил ишлаган бўлиши лозим.

Диққат! Лекин МК 13-моддаси 1-қисмига кўра, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланганига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар ва кафолатлар назарда тутилиши мумкин. МК 12-моддасига кўра, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

жамоа келишувлари;

жамоа шартномалари;

иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра қабул қилинадиган ички ҳужжатлар;

ички ҳужжатлар, шу жумладан иш берувчи ўз ваколатлари доирасида яқка ўзи қабул қиладиган яқка тартибдаги ҳуқуқий ҳужжатлар.

Бундан ташқари, МК 16-моддасига кўра, ходим билан тузилган меҳнат шартномасида ходимга меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар ва кафолатлар назарда тутилиши мумкин.

Демак, ходим билан тузилган меҳнат шартномасида ёки ташкилот ички ҳужжатларида, масалан, жамоа шартномасида ташкилотда ёки тармоқда 5 йилгача ишлаган ходимлар учун давомийлиги 1 календарь кун бўлган қўшимча меҳнат таътили назарда тутиши мумкин.

Ташкилотда ёки тармоқда 25 ёки 30 йил ишлаган ходимга мутаносиб равишда 10 ёки 12 кун қўшимча меҳнат таътили берилиши мумкинми?

“ZAMONAVIY DUNYODA SUN’IY IDROKNING RIVOJLANISHI: YANGI DAVR MUAMMOLARI VA YANGI YECHIMLAR JURNALI”

30-Mart, 2026-yil

МК 220-моддаси 1-қисмига кўра, жами 8 календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили берилиши назарда тутилган. Демак, ушбу қўшимча меҳнат таътилининг давомийлиги 8 календарь кундан ошиб кетмаслиги лозим.

Диққат! Лекин, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, МК 13 ва 16-моддаларига кўра, ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланганига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар ва кафолатлар назарда тутилиши мумкин.

Демак, ходим билан тузилган меҳнат шартномасида ёки ташкилот ички ҳужжатларида, масалан, жамоа шартномасида ташкилотда ёки тармоқда 25 ёки 30 йил ишлаган ходимга мутаносиб равишда 10 ёки 12 кун бўлган қўшимча меҳнат таътили назарда тутилиши мумкин.